

“ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi”  
АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг  
2022 йил 30 июн даги  
баённомаси билан  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
(4-илова)

“ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” АЖ  
**ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТҮФРИСИДА**  
**НИЗОМ**  
(Янги таҳрирда)

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Мазкур Низом “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” акциядорлик жамияти (матнда “Жамият” деб юритилади) ижроия органи мақомини белгилайди.
- 1.2. Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш түгрисида”ги ЎзР қонунига (матнда “Қонуи” деб юритилади) ҳамда жамият таъсис хужжатларига (таъсис шартномаси ва устав) мувофиқ ишлаб чиқилди.

## II. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ ТУЗИШ

- 2.1. Ижроия орган деганда яккабошчилик қиласидиган ижро этувчи орган – Бони директор тушунилади.
- 2.2. Агар жамият уставида бир пайтинг ўзида ҳам яккабошчилик асосидаги, ҳам коллегиал ижроия органлари бўлиши назарда тутилса, улардан ҳар бирининг ваколатлари белгилаб қўйилиши керак. Бундай холларда жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бони директор) вазифасини бажарувчи шахс коллегиал ижроия органи (бошқарув, дирекция) раиси вазифасини ҳам амалга оширади.
- 2.3. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тайинланадиган ижроия органи таркибига кирган шахснинг ёки Бони директорнинг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, жамият кузатув кенгашни қарори билан белгиланган шахс вазифаларини жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йигилишигача бўлган даврда вактинча бажариб туришинга йўл қўйилади.
- 2.4. Жамият ижроия органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш жамият кузатув кенгашининг қарорига биноан амалга оширилади.
- 2.5. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йигилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига биноан жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органини (бони директорини) тайинлаш танлов асосида амалга оширилиши мумкин.
- 2.6. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органининг (Бони директор) хукуклари ва мажбуриятлари қонуи, бошқа қонун хужжатлари, жамият таъсисе хужжатлари томонидан ҳамда тузиладиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириши (шартномани қайта тузиш ёки уни тутатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўгрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.
- 2.7. Жамият номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгашни ваколат берган шахс имзолайди.
- 2.8. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бони директори) билан тузиладиган шартномада уларнинг акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда акциядорларнинг умумий йигилиши ва кузатув кенгани олдинда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажарини қандай бораётганилиги юзасидан берадиган хисоботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим.
- 2.9. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органига (Бони директор) тўланадиган меҳнат хақи ва бошқа ҳақлар микдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри boglik bўлади.
- 2.10. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бони директор) вазифасини ҳамда бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозимларни ўриндошлик йўли билан бир шахснинг эгаллашига кузатув кенгашни розилиги билангина йўл қўйилади.
- 2.11. Акциядорлар умумий йигилиши ёки кузатув кенгашни жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бони директор) билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирдаbekor қилишга ҳақлиdir.
- 2.12. Кузатув кенгашни жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини кўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тутатиш (bekor қилиш) хукуқига эга.

- 2.13. Жамият кузатув кенгаши томонидан жамият ижроия органининг ваколатларини тугатини тўғрисида қарор қабул қилинган такдирда, жамият ижроия органининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йигилишнинг ўзида ҳал этилиши мумкин.
- 2.14. Ижро этувчи орган аъзолигига номзодлар кўриб чиқилганда ва тасдиқланганда қарор оддий кўпчилик овоз билан Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.
- 2.15. Ижро этувчи орган аъзолигига номзод жамиятга ўзининг жиной жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт.
- 2.16. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда кузатув кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин.

### **III. ИЖРОИЯ ОРГАНИ ВАКОЛАТЛАРИ**

- 3.1. Жамият ижроия органининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатларига ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.
- 3.2. Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.
- 3.3. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бош директор):
- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан, унинг мафтаатларини ифодалайди;
  - жамият номидан битимлар тузади;
  - жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;
  - штатларни тасдиқлайди;
  - жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.
  - жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;
  - жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қиласди, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;
  - акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди;
  - Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида жамият томонидан хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қиласди;
  - жамият фаолиятига тааллуқли ички ҳужжатлар (низомлар, тартиблар, кондалар, услубий қўлланмалар, регламентлар, тарифлар ва х.), шу жумладан сугурта операциялари, корреспонденциялар ва ҳужжатларни имзолаш ҳамда расмийлаштириш тартиби тўғрисида ҳужжатларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди, ушбу устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тасдиқланиши умумий йигилиш ва жамият кузатув кенгаши ваколатига киритилган ҳужжатлар бундан мустасно;
  - сугурта операцияларини ўтказиш, ҳисоб, ҳисбот, ички назорат ҳамда жамият фаолиятига алоқадор бошқа асосий масалаларни ҳал этади;
  - сугурта ва қайта сугурта шартномаларни имзолайди, ижро этилишини таъминлайди ва бекор қиласди;
  - сугурта шартномалари ва сугурта турлари бўйича ставкаларни белгилайди;
  - ўз ваколати доирасида кадрларни танлаш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиши масалаларини ҳал этади;
  - жамиятнинг таркибий бўлинмалари, худудий сугурта департаментлари (филиал), ваколатхоналар, сугурат дирекцияси, сугурта марказлари ва бошқалар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;
  - ўзининг ўринбосарлари, таркибий тузилмалар раҳбарлари, уларнинг маъсулият даражасини белгилайди;
  - амалдаги қонунчилик ва ушбу устави билан жамият акциядорларининг умумий йигилишини ва кузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа жамиятнинг кундалик фаолиятига доир бошқа ваколатларни амалга оширади.
- 3.4. Ижроия органи вазифалари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгашнинг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;
- акциядорлар умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгашни қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- жамиятнинг таркибий ва худудий бўлинмаларининг ўзаро самарали фаолиятини таъминлаш;
- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун зарур бўлган микдорларда фойда олишини таъминлаш;
- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- жамият фаолиятида конун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этиш;
- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг кузатув кенгашини, ёки жамият аудитори талабига кўра тўсикларсиз тақдим этиш;
- давлат статистика ҳисботи ва бошқа ҳисботларни тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- хизмат, тижорат ва сугурта сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сакланишини таъминлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати кузатув кенгашини томонидан белгиланиши мумкин;
- жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;
- меҳнат ва технология интизомига риоя қилиш;
- ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини таъминлаш;
- жамоа музокараларида иштирок этиш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йигилишига ва жамиятнинг кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- акциядорларнинг умумий йигилишида қатнашиш, дивиденdlар ҳисобланишини ва тўланишини бўйича акциядорларнинг барча ҳуқукларига риоя қилиш;
- ички ҳужжатларга, амалдаги конун ҳужжатларига ва бошқа месъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.

#### **IV. ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШ ДИРЕКТОР) ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 4.1. Агар ижроия органи (бош директор) акциядорлик жамияти томонларидан бири ҳисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, у қарор қабул қилингунча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди.
- 4.2. Ижроия органи (бош директор) унга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуклардан ўзи меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.
- 4.3. Акциядорлик жамияти ижроия органи (бош директор) акциядорлик жамияти мол-мулкини тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги керак.
- 4.4. Акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбарлик даврида фаолияти акциядорлик жамияти хизматларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик тугдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Ижроия органи акциядорлик жамиятида лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатишни ва бу тўхтатиш тўғрисида акциядорлик жамияти кузатув кенгашини хабардор қилмоги лозим.
- 4.5. Акциядорлик жамияти ижроия органи ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган заарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига ва жамият таъсисе ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик жамиятига етказилган заарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида акциядорлик жамияти олдида жавоб беради.

4.6. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарарларни қонлани тўгрисида ижроия органига нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

## V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

5.1. Жамият ижроия органи кузатув кенгаси аъзоларини зарур материаллар билан тамиллан ҳамда акциядорлар ва инвесторлар ўргасидаги ўзаро алоқа учун масъулдир.

5.2. Мазкур низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва /ёки жамият таъсис хужжатларига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар тартибга солган масалалар юзасидан мазкур низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва/ёки жамият таъсиси хужжатлари талабларига риоя этиш лозим.